

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ИБРАГИМОВА ХУРШИДАБОНУ ЗАФАРОВНА**

**КЎЗ КОСАСИ ТУЗИЛИШИНING ЁШГА ОИД ВА ИНДИВИДУАЛ  
ХУСУСИЯТЛАРИ, УЛАРНИНГ БОЛАЛАР КЎРИШ ҚОБИЛИЯТИГА  
ТАЪСИРИ**

**14.00.02 – Морфология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ибрагимова Хуршидабону Зафаровна**

Кўз косаси тузилишининг ёшга оид ва  
индивидуал хусусиятлари, уларнинг  
болалар кўриш қобилиятига таъсири..... 3

**Ибрагимова Хуршидабону Зафаровна**

Возрастные и индивидуальные особенности  
строения глазницы, их влияние на зрение детей..... 23

**Ibragimova KHurshidabonu Zafarovna**

Age-related and individual characteristics  
of the structure of the orbit, their impact  
on children's vision..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 48

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ИБРАГИМОВА ХУРШИДАБОНУ ЗАФАРОВНА**

**КЎЗ КОСАСИ ТУЗИЛИШИНING ЁШГА ОИД ВА ИНДИВИДУАЛ**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ, УЛАРНИНГ БОЛАЛАР КЎРИШ ҚОБИЛИЯТИГА**  
**ТАЪСИРИ**

**14.00.02 – Морфология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1619 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Расулов Ҳамидулла Абдуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Миршарапов Уткур Миршарапович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Шатманов Суйнали Токтоназарович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Қирғиз Республикаси)

**Етакчи ташкилот:**

**Абу Али ибн Сино номидаги Тожикистон  
Давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент, Фаробий кўчаси. 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: [info@tma.uz](mailto:info@tma.uz)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Фаробий кўчаси. 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават. Тел/факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И. Шайхова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Ш. Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Р.Дж. Усманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда кўриш фаолиятининг бузилиши касалликлари учраш даражаси бўйича энг юқори ўринларда туради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотиغا кўра, «...сўнги йилларда миопия аҳоли орасида 1,6 млрд инсонларда тарқалган бўлса, 2050 йилга келиб 5 млрдга яқинлашиши башорат қилинмоқда...»<sup>1</sup>. Қатор тадқиқотлар у ёки бу аъзолар фаолиятининг бузилиши ҳолатларида олиб борилиши таянч-ҳаракат тизими хусусий топографик соҳаларининг касалликлар фонидаги ўзгаришларини аниқлаш имконини беради. Краниометрия антропометриянинг муҳим бўлимларидан бири ҳисобланиб, краниометрия параметрларини анатомик ўзгаришларини аниқлаш назарий ва амалий тиббиёт учун катта аҳамиятга эга. Краниометрик тадқиқотлар бугунги кунда оториноларингология, неврология, стоматология ва офтальмология йўналишлари илмий тадқиқотларида фаол қўлланилмоқда ва мазкур йўналишлар муаммоларини асосли ечимини топишга хизмат қилади. Шундай муаммолардан бири ўсувчи организмда рефракция аномалиялари орасида энг кўп тарқалган миопия ҳолатининг турли оғирлик даражасида кўз косасининг шаклланишини ўрганиш ечимини топиш муҳим бўлган масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда аъзолар ва улар жойлашган топографик соҳаларнинг ҳамкорликдаги ривожланиш қонуниятларини ва қайси бири бирламчилигини аниқлаш бўйича қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада миопия билан туғилган болаларда ўсувчи организмнинг аъзо ва тизимларида шаклланиш жараёнлари, хусусан орбитанинг тараққий этиши ва ўсишида қандай моненьликлар келтириб чиқарилишини ўрганиш, кўрув аъзоси ва кўз косаси ривожланишидаги параллелларни аниқлаш, постнатал онтогенездаги кузатилиши мумкин бўлган норосоликларни профилактика қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, миопиянинг дастлаб кўз косаси шаклланишига, аксинча кейинчалик орбита шаклининг кўрув аъзоси ва унинг фаолиятига таъсирини тадқиқ этиш алоҳида илмий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, рефракция бузилишларининг келиб чиқишини аниқлаш, улар натижасида патологик ҳолатлар юзага чиқмаслиги бўйича тиббий хавфсизликни таъминлашга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан

<sup>1</sup> World Health Organization, 2014.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60 сон Фармони.

ҳолда миопия аниқланган биринчи ва иккинчи болалик даврида бўлган болаларда антропометрик кўрсаткичларнинг қиёсий тавсифи бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш, асоратларини ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июнидаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2022 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнги вақтларда тиббиёт фанлари ва техникаси ривожланиши билан рефракцион ўзгаришларининг ривожланиш сабабларини аниқлаш учун турли хил янги усуллардан кенг фойдаланилмоқда: молекуляр-генетик (Гурьева А.Б. ва ҳаммуал., 2015; Rózdzyńska-Świątkowska A. Ва ҳаммуал., 2020; Sun J. et all., 2012; Morgan I.G. et all., 2018), аммо аниқланган ўзгаришлар уларни клиник амалиётда қўллаш эҳтимоли нуқтаи назаридан кўриб чиқилмаган. Ҳозирги вақтда тадқиқотчилар миопия ривожланишининг олдини олиш учун самарали чоралар кўриш учун башоратлаш омиллари аниқлаш бўйича салмоқли изланишлар олиб бормоқда (Пыльцина Н.Ю., 2006), шунингдек миопия билан оғриган болаларда бош суяги тузилишининг анатомик ўзгарувчанлиги алоҳида қизиқиш уйғотади. Шу билан бирга, адабиётларда меъерий ва миопия таъсири остидаги калла қисмларининг тузилишидаги қонуниятлар мавжудлигини баҳолашга имкон берадиган бир нечта тадқиқотлар мавжуд (Мареев О.В. ва бошқ., 2014). Боланинг ўсиш жараёнида кўз косаси шакли ва кўрув аъзоси ўлчамлари ўзгаришини морфометрик кўрсаткичлар ёрдамида аниқ баҳолаш муҳим ҳисобланади. Айниқса миопия таъсиридаги краниометрик ўзгаришлар кўпроқ болаликнинг қайси даврларида сезиларли намоён бўлишини башоратлаш катта аҳамиятга эга. Инсон организмида бош ва юз қисмининг ўсишини бошқариш механизмлари мураккаб жараён ҳисобланиб, бунда генлар, гормонлар, эпигенетик омиллар ўртасида ўзаро таъсирлашув содир бўлади. Ушбу омиллар краниофациал соҳа суяклари

морфологияси шаклланишини аниқлайди, уларнинг бузилиши эса мазкур соҳада қайта тикланмас ўзгаришларга олиб келиши мумкин (Juloski J, Dumancic J., et al., 2016). Юз скелети суяги ўсишини тартибга солувчи омилларнинг ўзаро таъсирлашуви бузилишида суяк ўсишида ҳар хил секинлашиш кузатилади, бу юз аномал морфологик шаклланишига олиб келади (Pacini A.J., 2020; 6, Urakami T, Suzuki J., 2018).

Ўзбекистонда миопияда постнатал онтогенезда кўз олмасининг топографиясининг шаклланиши аниқлаш, болалар кефалометрик кўрсаткичларининг ўзгаришларини баҳолаш, оптик асабнинг макро ва микроскопик анатомиясини ўрганиш бўйича қатор олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган (Ибрагимова Х.З., Расулов Ҳ.А., Кахаров З.А., 2023; Ибрагимова Х.З., Расулов Ҳ.А., 2024; Ибрагимова Х.З., Гусейнов Т.С., Кахаров З.А., Кадиев А.Ш., Малачилаева М.М., 2021), бироқ, организмнинг бошқа тизимлари ривожланишининг иккинчи тизимга таъсири чуқур ўрганилмаган.

Шундай қилиб, миопия билан оғриган болаларда бош соҳаси параметрларини ўрганишда конституциявий анатомия усулларида фойдаланиш долзарб вазифа бўлиб, уни ҳал қилиш зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида сурункали юқумли бўлмаган касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш» (2022-2026 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** миопия аниқланган болаларда калланинг, хусусан кўз косаси краниометрик кўрсаткичлари, ҳамда жисмоний ривожланишини ёш ва жинсга хос солиштирма таҳлил қилишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

биринчи болалик даврида миопия аниқланган болаларнинг калла ва кўз косаси соҳасини краниометрик кўрсаткичларини аниқлаш ва соғлом болалар билан солиштирма таҳлил қилиш;

иккинчи болалик даврида миопия ташхисланган болаларнинг калла, кўз косаси соҳасини краниометрик кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш;

миопия аниқланган болаларда кўз олмаси органометрик кўрсаткичларини болалик даврларига биноан тавсифлаш;

12 ёшгача соғлом ва миопияси бўлган болаларда кўз олмаси органометрик ва орбитал кефалометрик кўрсаткичларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлиги аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Андижон вилоятидаги 4 та мактабгача таълим муассасаларининг 4 ёшдан 7 ёшгача, 44-, 45-, 46- умумтаълим мактабларининг 1-6 синф ўқувчилари бўлган 7 ёшдан 13 ёшгача жаъми 296 нафар болалар, улардан 216 нафари миопия билан касалланган ва 80 нафар шу ёшдаги соғлом болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** бошнинг умумий, калла ва юз қисми ҳамда кўз косасининг антропометрик кўрсаткичлари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда миопия мавжуд болаларда антропометрик кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш учун клиник, инструментал, нур анатомик, антропометрик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор болалик даврларида (4-12 ёш) миопия ташхисланган болаларнинг умумий калла ва хусусан кўз косаси соҳасини краниометрик кўрсаткичлари таҳлилида аналогик ёшдаги соғлом болалар кўрсаткичларига нисбатан калла айланаси, кўз косаларининг кенглиги, биорбитал кенглик ва кўз косалари орасидаги олдинги кенглик ўлчамлари ортиши аниқланган;

биринчи ва иккинчи болалик давридаги миопия аниқланган болаларда жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ёш ва жинс кесимида қиёсий таҳлил қилинганда иккинчи болалик давридаги қизларда тана вазни нисбатан ортик бўлиши, кўкрак қафаси кенглиги ва бўй узунлиги аксинча калта бўлиши исботланган;

илк маротаба болалик даврларидаги (4-12 ёш ва жинсга қараб) миопиянинг турли даражаларида кўрув аъзоси органометрик кўрсаткичлари динамикаси болалик даврларига мувофиқ миопиянинг оғирлигига қараб кўз олмасининг ООЎ ҳамда ООЎнинг ЭР га нисбатининг ортиб бориши асосланган;

соғлом ва миопиянинг оғирлик даражаси кесимида (қиз ва ўғил) болалар кўз косасининг кефалометрик ва кўрув аъзоси органометрик параметрлари ўзгаришининг ўзаро боғлиқлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

миопия мавжуд болаларда краниометрик кўрсаткичларни ўрганиш маълумотлари соғлом болалардан олинган кўрсаткичлар билан солиштириб ушбу кўрсаткичлар қанчалик фарқ қилиши ҳамда тананинг қайси қисми ушбу патологияда энг заиф эканлигини аниқлаш имконини берган;

ёш жиҳатидан тана ўсиши ва унинг турли қисмлари антропометрик кўрсаткичлари орасидаги ўзаро корреляцион боғлиқлик педиатрларга тиббий кўриклар пайтида, болаларнинг ўсиши ва жисмоний ривожланишини қиёсий баҳолашда ишлатилиши мумкинлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, инструментал, нур анатомик, антропометрик ва статистик тадқиқот усуллар асосида миопия мавжуд болаларда антропометрик кўрсаткичларини қиёсий баҳолашнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти миопия мавжуд биринчи ва иккинчи болалик даврида бўлган болаларда антропометрик кўрсаткичларнинг қиёсий тавсифи, клиник аломатларини аниқлашнинг ўзига хосликларини илмий асослангани, тананинг турли қисмларининг антропометрик параметрларини ўрганиш ҳолати, ушбу параметрлардаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича назарий билимлар даражасини кенгайтиришга, шунингдек уларни илмий фаолиятнинг турли соҳаларида қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти амалиётга тадбиқ қилиш учун мукаммаллаштирилган комплекс ёндашув ҳамда касалликнинг кескинлашувига оғоҳлантириш сифатида миопия мавжуд биринчи ва иккинчи болалик даврида бўлган болаларда антропометрик кўрсаткичларнинг қиёсий тавсифи самарали усуллари танлови таклиф қилингани, бунинг олдини олувчи патологиянинг профилактика қилишнинг самарали усуллари танлашга мукаммаллаштирилган комплекс ёндашув таклиф қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кўз косаси тузилишининг ёшга оид ва индивидуал хусусиятлари, уларнинг болалар кўриш қобилиятига таъсири бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* илк бор болалик даврларида (4-12 ёш) миопия ташхисланган болаларда умумий калланинг ва хусусан кўз косасининг соҳасини краниометрик кўрсаткичларини таҳлили асосида аналогик ёшдаги соғлом болаларнинг кўрсаткичларига нисбатан калла айланаси, кўз косаларнинг кенглиги, биорбитал кенглиги ва кўз косалари орасидаги олдинги кенглик ўлчамлари ортиши аниқланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 мартда би-30/у-сон билан тасдиқланган «Миопияда болалар кефалометрик кўрсаткичларининг ўзгаришларини баҳолаш услуги» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 18.04.2024 йилдаги 44-сон, Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 08.04.2024 йилдаги 104-сон ҳамда Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 23.04.2024 йилдаги 105-А/Ф-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 04/31-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* органометрик ва краниометрик ўзгаришлар динамикасида кўрув аъзоси ва орбитанинг солиштирма структуравий ва функционал механизмларини очиб беришга асосланади, бу эса энг заиф даврларни белгилашга ва жуда муҳим профилактика тадбирларини ўтказишга фундаментал имкон бериши билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* стационар шароитда мазкур касалликни олдини олиш ва даволашга сарфланадиган маълум бир бюджет маблағлари болаларда кўрув аъзоси ва кўз косаси ривожланишидаги параллелларни аниқлаш постнатал

онтогенездаги кузатиладиган салбий ўзгаришлар динамикасини морфологик ва морфометрик эрта ташҳислаш натижасида иқтисод қилинади;

*иккинчи илмий янгилик:* биринчи ва иккинчи болалик даврларида миопия аниқланган болаларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини ёш ва жинс кесимида қиёсий таҳлил қилганда, иккинчи болалик давридаги қизларнинг тана вазни нисбатан ортиқ бўлиши, кўкрак қафасининг кенглиги ва бўй узунлиги аксинча калта бўлиши исботланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 мартда би-30/у-сон билан тасдиқланган «Миопияда болалар кефалометрик кўрсаткичларининг ўзгаришларини баҳолаш услуги» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 18.04.2024 йилдаги 44-сон, Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 08.04.2024 йилдаги 104-сон ҳамда Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 23.04.2024 йилдаги 105-А/Ф-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 04/31-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* органометрик ва краниометрик ўзгаришлар динамикасида кўрув аъзоси ва орбитанинг солиштирма структуравий ва функционал механизмларини очиб беришга асосланади, бу эса энг заиф даврларни белгилашга ва жуда муҳим профилактика тадбирларини ўтказишга фундаментал имкон бериши билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* стационар шароитда мазкур касалликни олдини олиш ва даволашга сарфланадиган маълум бир бюджет маблағлари болаларда кўрув аъзоси ва кўз касаси ривожланишидаги параллелларни аниқлаш постнатал онтогенездаги кузатиладиган салбий ўзгаришлар динамикасини морфологик ва морфометрик эрта ташҳислаш натижасида иқтисод қилинади;

*учинчи илмий янгилик:* илк маротаба болалик даврига мувофиқ (4-12 ёш ва жинсга қараб) турли даражадаги миопия билан кўриш аъзосининг органометрик кўрсаткичлари динамикасига қараб кўз олмасининг олдинги орқа ўқи ҳамда унинг эгрилик радиусига нисбати ортиб бориши асосланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 мартда би-30/у-сон билан тасдиқланган «Миопияда болалар кефалометрик кўрсаткичларининг ўзгаришларини баҳолаш услуги» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 18.04.2024 йилдаги 44-сон, Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 08.04.2024 йилдаги 104-сон ҳамда Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 23.04.2024 йилдаги 105-А/Ф-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 04/31-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* органометрик ва краниометрик ўзгаришлар динамикасида кўрув аъзоси ва орбитанинг солиштирма структуравий ва функционал механизмларини очиб

беришга асосланади, бу эса энг заиф даврларни белгилашга ва жуда муҳим профилактика тадбирларини ўтказишга фундаментал имкон бериши билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* стационар шароитда мазкур касалликни олдини олиш ва даволашга сарфланадиган маълум бир бюджет маблағлари болаларда кўрув аъзоси ва кўз косаси ривожланишидаги параллелларни аниқлаш постнатал онтогенездаги кузатиладиган салбий ўзгаришлар динамикасини морфологик ва морфометрик эрта ташхислаш натижасида иқтисод қилинади;

*тўртинчи илмий янгилик:* соғлом ва миопиянинг оғирлик даражаси кесимида (қиз ва ўғил) болалар кўз косасининг кефалометрик ва кўрув аъзосининг органометрик параметрларининг ўзгариши ўртасидаги боғлиқлик исботланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 мартда би-30/у-сон билан тасдиқланган «Миопияда болалар кефалометрик кўрсаткичларининг ўзгаришларини баҳолаш услуги» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 18.04.2024 йилдаги 44-сон, Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 08.04.2024 йилдаги 104-сон ҳамда Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 23.04.2024 йилдаги 105-А/Ф-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 04/31-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* органометрик ва краниометрик ўзгаришлар динамикасида кўрув аъзоси ва орбитанинг солиштирма структуравий ва функционал механизмларини очиб беришга асосланади, бу эса энг заиф даврларни белгилашга ва жуда муҳим профилактика тадбирларини ўтказишга фундаментал имкон бериши билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* стационар шароитда мазкур касалликни олдини олиш ва даволашга сарфланадиган маълум бир бюджет маблағлари болаларда кўрув аъзоси ва кўз косаси ривожланишидаги параллелларни аниқлаш постнатал онтогенездаги кузатиладиган салбий ўзгаришлар динамикасини морфологик ва морфометрик эрта ташхислаш натижасида иқтисод қилинади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида бажарилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Турли ҳавф омиллари таъсирида болалик даврларида краниоетрик кўрсаткичларнинг қиёсий тавсифини ўрганишда замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида миопиянинг тавсифи, тарқалганлиги, соғлом бола танаси антропометрик кўрсаткичларининг жисмоний ривожланишдаги хусусиятлари, ташқи муҳит турли омиллари таъсирида бола организмнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг шаклланиши, болаликнинг биринчи ва иккинчи даврида кўз косаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари, миопия мавжуд болаларнинг жисмоний ривожланиши, миопияда туғма нуқсонлар тузилиши ва патогенетик ёндашувларнинг ўзига хосликлари, миопия мавжуд биринчи ва иккинчи болалик даврида болаларда антропометрик кўрсаткичларнинг қиёсий тавсифи бўйича самарали усулларини ишлаб чиқиш имконини берган хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар илмий манбалари ўрганилган ва шарҳланган.

Диссертациянинг «**Миопия ташхисланган болалик даврларида краниоетрик кўрсаткичларни ўрганишнинг материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ишда фойдаланилган тадқиқот материаллари ва усулларининг тавсифи келтирилган. Тадқиқотлар Андижон вилоятининг 4 та мактабгача таълим муассасаларининг 4 ёшдан 7 ёшгача, 44-, 45-, 46-умумтаълим мактабларининг 1-6 синф ўқувчилари бўлган 7 ёшдан 13 ёшгача жами 216 нафар миопия касаллиги аниқланган болаларда ўтказилди. Мазкур беморлар юқоридаги муассасаларда ёппасига, яъни 2112 нафар болалар орасида ўтказилган мутахассислик кўриги вақтида 427 (20,22%) нафар болаларда комплекс офтальмологик текширишлар натижасида рефракция муаммолари кузатилиб, тадқиқот учун ўрнатилган мезонлар асосида танланган 216 нафар беморларни 3 та гуруҳга ажратилган (Мартирисова Э.Т.). Тадқиқот гуруҳларига бошқа туғма ва сурункали касалликлари аниқланган болалар киритилмади.

1-гуруҳни миопиянинг энг кам ифодаланган енгил даражаси аниқланган 74 нафар болалар;

2- гуруҳни ўртача оғирлик даражадаги миопия ташхисланган 98 нафар беморлар;

3-гуруҳга эса миопиянинг оғир даражаси бўлган 44 нафар бемор ўқувчилар;

Назорат гуруҳи сифатида асосий гуруҳ болаларига нисбатан аналогик ёшда бўлган кўз ўткирлиги бўйича муаммолар аниқланмаган жами 80 нафар болалар танлаб олинди.

Жами текширилган болаларнинг ёши, тадқиқот гуруҳи бўйича тафсилотлар 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Кузатув гуруҳларида болаларнинг ёш даврлари ва ҳар бир ёш кесимида тақсимланиши (абс, %), n=296**

Ёши		Тадқиқот гуруҳлари		Жами (n=296)
		Асосий гуруҳ (n=216)	Назорат гуруҳи (n=80)	
Биринчи болалик даври, n- 87/38	4 ёш	23 (10,6%)	8 (10,0%)	31 (10,5%)
	5 ёш	31 (14,4%)	14 (17,5%)	45 (15,2%)
	6 ёш	33 (15,3%)	16 (20,0%)	49 (16,6%)
Иккинчи болалик даври, n-129/42	7 ёш	26 (12,0%)	8 (10,0%)	34 (11,5%)
	8 ёш	31 (14,4%)	8 (10,0%)	39 (13,2%)
	9 ёш	28 (12,9%)	8 (10,0%)	36 (12,2%)
	10 ёш	18 (8,3%)	8 (10,0%)	26 (8,8%)
	11 ёш	17 (7,9%)	6 (7,5%)	23 (7,8%)
	12 ёш	9 (4,2%)	4 (5,0%)	13 (4,4%)

Ёш даврлари таснифига кўра, биринчи болалик даври ёки мактабгача бўлган ёш ҳар иккала жинс учун 4-7 ёш, иккинчи болалик даври ўғил болаларда 8-12 ёш бўлса, кизларда бу давр 11 ёшгача деб олинган (Ҳ.А.Расулов ва бошқалар, «Возрастная морфология» 2022). Беморларнинг жинси бўйича таҳлили 2-жадвалда келтирилган.

**2-жадвал**

**Кузатув гуруҳларида болаларнинг ёш даврлари ва ҳар бир ёш кесимида жинс бўйича тақсимланиши (абс), n=296**

Ёши		Асосий гуруҳ(n=216)		Назорат гуруҳи(n=80)	
		Ўғил б. n=109	Қиз б. n=107	Ўғил б. n=43	Қиз б. n=37
Биринчи болалик даври, n-87/38	4 ёш	11	12	4	4
	5 ёш	17	14	8	6
	6 ёш	14	19	8	8
Иккинчи болалик даври, n-129/42	7 ёш	11	15	4	4
	8 ёш	16	15	4	4
	9 ёш	15	13	4	4
	10 ёш	8	10	4	4
	11 ёш	8	9	3	3
	12 ёш	9	-	4	-

Асосий гуруҳдаги болалар орасида жинсга кўра тафовуд аҳамиятли фарқ қилмади, яъни ўғил болалар 109 (50,5%) нафарни ташкил этган бўлса, қиз болалар 107 (49,5%) нафар.

Барча текширилган бемор болаларнинг краниоетрик маълумотлари билан бирга умумий жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини аниқлаш ва рентгенографик текширишлар 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

#### Тадқиқот босқичларида текшириш усуллари

Тадқиқот усуллари		
1-босқич	Тадқиқот гуруҳларини шакллантириш	Ёппасига офтальмологик кўрув ўтказиш асосида миопия ҳолатларини аниқлаш
2-босқич	Антропометрик ўлчашлар	Тана массаси, бўйи, тана, бошдаги ўзгаришлар ва кўз косаси ўлчамлари
3-босқич	Инструментал тадқиқот усуллари	Миопия мавжуд ва соғлом болалар кўз косаси ва олмаси ўлчамларини аниқлаш

Барча болаларда циклоплегия фонида субъектив визометрия ва авторефрактометрия ва «Humphrey A/B-scan system 835» ультратовуш аппаратида биометрик ўлчашни ўз ичига олган кенг қамровли офтальмологик текширувдан ўтказилган.

В.В.Бунак усулидан фойдаланиб краниоетрик текширувлар ўтказилди. Бир қатор морфометрик параметрларни аниқлаш учун антропометрик тадқиқотлар ўтказиш бўйича мавжуд талаб ва тавсияларга риоя қилиндик. Усул аслида 15 та стандарт бош ўлчамини ўлчашни ўз ичига олади ва тадқиқотимизда уларнинг 13 стандарт нуқтасидан фойдаланилган. Ушбу кўрсаткичлардан асосийларини бошнинг горизонтал айланаси, бошнинг кўндаланг ва бўйлама диаметрлари ва уларнинг нисбати ташкил этиб, швед анатоми А.Рециус томонидан таклиф этилган цефалик индекс аниқланди. Унинг ўлчамига асосланиб, бошнинг шакли – 75,9 гача бўлган қиймат долихоцефалияга, 76,0-80,9 – мезоцефалияга, 81,0 ва ундан юқори – брахицефалияга мансуб деб ҳисобланди.

Юзнинг тури юз индекси (Гарсон бўйича) га асосланиб аниқланди. Бунда ёноқ ёйларининг ташқи юзасидаги краниоетрик нуқталари орасидаги масофалар – ёноқ бўйлаб бош диаметри ва шунингдек, насион нуқтасидан гнацион нуқтасига – юзнинг тўлиқ морфологик баландлиги ўлчанди. Юз индексининг қиймати (юз баландлигининг зигоматик диаметрға фоиз нисбати) асосида қуйидаги юз шакллари аниқланди: 79,0-83,9 қиймати кенг юзни (эврипрозопик) ифодалайди; 84,0-87,9 – ўртача юз (мезопрозопик); 88,0-92,9 – тор юз (лептопрозопик).


Шунингдек, иккала кўз косасининг иккала «этоконхион» нуқталари орасидаги биорбитал кенглиги, юзнинг юқори, ўрта ва пастки учдан бир қисмининг баландлиги, зигоматик диаметр, юзнинг трагус ва жағ кенглиги ҳам аниқланган.

Бош ва юзнинг морфометрик параметрларининг хусусиятларини аниқлашдан ташқари, миопияси бўлган болаларда уларнинг касаллик даражаси билан боғлиқлиги аниқланди.

Мазкур тадқиқотини амалга ошириш давомида қайд этилган рақамли катталикларни статистик қайта ишлаш MS Excel офиси дастурини қўллаб, ўртача арифметик қиймат (M), ўртача стандарт хатолик (m), ўртача квадрат оғиш (Б), нисбий катталиклар (учраш %), Стъудент мезони (t)ни ҳисобланди. Ўртача катталикларнинг солиштирма тафовудлари  $P < 0,05$  бўлганда аҳамиятлилик даражасида ишонарли деб ҳисобланди. Олинган рақамли кўрсаткичлар Biostatistica ва Excel дастурлари ёрдамида статистик ишлов берилди. Статистик гипотеза текшируви Стъудентнинг t-критерийси орқали амалга оширилди. Статистик гипотезани баҳолашда қуйидаги аҳамиятлилик даражасидан фойдаланилди:  $p < 0,05$ .

Диссертациянинг «**Миопия аниқланган бемор болалар ва соғлом болалар краниометрик кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот давомида миопия аниқланган бемор ва соғлом 4 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалардан олинган умумий ва локал антропометрик ўлчов натижалари таҳлил қилинган.

Миопия ташхисланган бемор болалар ва соғлом болалар жисмоний ривожланишининг антропометрик кўрсаткичлари 1- ва 2-расмларда келтирилган.




**1-расм. Миопияда болалар жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари тавсифи**




## 2-расм. Соғлом болалар жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари.

Болалик давларида миопия ва соғлом болаларнинг жисмоний ривожланишида кескин фарқ кузатилмади. Биринчи болалик даврида бўй узунлиги таҳлил қилинганда солиштириш кўрсаткичлари мос равишда 112,8 см 115,3 см ни ташкил этса, ўтирган ҳолатда ўзаро фарқ (53,8 ва 56,1 см) – 2,3 см ни ташкил этди.



## 3-расм. Биринчи болалик давларида асосий ва назорат гуруҳлари жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг солиштирма тавсифи

Тана вазни кўрсаткичлари дастлабки кузатув даврида (20,4 ва 19,9 кг) камроқ фарқ (0,5 кг) кузатилса ( $\leq 0,05$ ), кейинги болалик даврида миопия ва солиштириш гуруҳи ўртасида 1,7 кг тафовуд аниқланди. Кўкрак қафасининг барча физиологик ҳолатлардаги ўлчамлари биринчи болалик даврида миопия ва соғлом болаларда аналогик манзара кузатилди. Яъни миопияси бор болаларда тана вазни нисбатан ортиқ бўлиши, кўкрак қафаси кенглиги ва ниҳоят бўй узунлиги кам даражада бўлсада калта бўлиши кузатилди.



#### 4-расм. Иккинчи болалик даврларида асосий ва назорат гуруҳлари жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг солиштирма тавсифи

Кузатувнинг сўнги даврларида (иккинчи болалик) жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари бўй ўлчамларида (тик ва ўтирган ҳолатда) миопияда 3,6% га камайиши қайд қилинди. Қолган кўрсаткичларда аксинча миопияда мос равишда (тана вазни – 5,2% ( $\leq 0,05$ ), кўкрак қафаси айланаси тинч ҳолатда – 0,9%, нафас олганда – 6,5% ( $\leq 0,01$ ), нафас чиқарганда – 2,1%) юқорилиги аниқланди.

#### 4-жадвал

##### Биринчи болалик давридаги миопияда болалар калла ўлчамлари

Кўрсаткичлар	миопия, n=87	назорат, n=38
Бош айланаси, см	47,1±0,13	51,2±0,21
Бош бўйлама ўлчами, см	13,2±0,07	15,1±0,12
Бош кўндаланг ўлчами, см	10,8±0,2*	9,1±0,3
Пешона кўндаланг ўлчами, см	6,3±0,3*	5,8±0,04
Пешона вертикал ўлчами, см	9,2±0,2	9,9±0,06
Бош асосининг узунлиги, см	11,5±0,08	12,9±0,12
Бош асосининг эни, см	9,6±0,2	9,8±0,08

Изоҳ: \* -  $p < 0,05$  бўлганда натижалар ишонarli деб баҳоланди.

**Иккинчи болалик давридаги миопияда болалар калла ўлчамлари**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>миопия, n=129</b>	<b>назорат, n=42</b>
Бош айланаси, см	56,1±0,12	55,2±0,14
Бош бўйлама ўлчами, см	13,9±0,04	15,7±0,03
Бош кўндаланг ўлчами, см	10,8±0,2	10,3±0,06
Пешона кўндаланг ўлчами, см	6,8±0,2*	6,5±0,03
Пешона вертикал ўлчами, см	11,4±0,3*	10,8±0,04
Бош асосининг узунлиги, см	15,2±0,04*	14,6±0,02
Бош асосининг эни, см	10,4±0,04	10,8±0,04

Изоҳ: \* -  $p < 0,05$  бўлганда натижалар ишонarli деб баҳоланди.

Диссертациянинг «**Миопия мавжуд бемор болаларда краниоетрик параметрларининг миопия оғирлик даражасига боғлиқлиги тавсифи**» деб номланган тўртинчи бобида дастлаб миопия билан оғриган беморларда ва назорат гуруҳидаги аналогик ёшдаги болаларда бош суяги шакли аниқланди. Калланинг кўндаланг-бўйлама кўрсаткичларини ўрганиш шуни кўрсатдики, заиф даражада миопия бўлган соғлом болалар орасида бош суягининг долихокраниал шакли бошқа вариантларга нисбатан кўпроқ учраши аниқланди (6-жадвалга қаранг).

Миопиянинг иккинчи оғирлик даражасида ушбу мезон бўйича натижалар назорат гуруҳидаги болаларнинг кўрсаткичларига нисбатан ишончли даражада фарқлар қайд этилмаган бўлсада, текширишлар ўтказилган болалар орасида бош суягининг мезокраниал шакли сонининг бошқалардан биров ошиб кетганлиги, яъни 33% ни ташкил қилган. Миопиянинг оғирлик даражаси юқори бўлган болаларда бош суягининг мезокраниал шакли доминантлиги (бошқа кўрсаткичлардан 3-4 баравар юқори) ва 60% га етди (6-жадвалга қаранг).

**Миопияси бўлган болаларда кўндаланг бўйлама кўрсаткичи ўлчамига мувофиқ калланинг мия қисми шаклининг солиштирма учраш частотаси, %**

<b>Кузатув гуруҳлари</b>	<b>Калла суяги шакллари</b>		
	<b>Долихокрания</b>	<b>Мезокрания</b>	<b>Брахиокрания</b>
Назорат	36	40	24
I даражали миопия	52	36	12
II даражали миопия	36	46	18
III даражали миопия	25	60	15

Изоҳ: \* -  $p < 0,05$  бўлганда натижалар ишонarli деб баҳоланди.

Краниоетрик параметрларни аниқлашда, субъектларнинг 1-, 2- ва 4- гуруҳларида (миопия I, миопия II, назорат) горизонтал бош атрофи қийматлари деярли бир бирига яқин даражада эканлиги аниқланди. Учинчи гуруҳ III даражали миопия аниқланган болаларда эса ушбу кўрсаткич 54,6 смгача ишонarli ортганлигини кўрсатди. Худди шундай анъана бошқа

краниометрик параметрлар, жумладан бошнинг кўндаланг ва бўйлама диаметрларида ҳам кузатилди (7-жадвалга қаранг).

#### 7-жадвал

### Кузатув гуруҳларида краниометрия кўрсаткичларининг ўртача қиймати

Кузатув гуруҳлари	Калла суяги кўрсаткичлари, см		
	Калланинг горизонтал айланаси	Калланинг кўндаланг диаметри	Калланинг бўйлама диаметри
Назорат	52±2,21	143,2±7,11	180,5±5,32
I даражали миопия	52,8±1,52	141,4±4,66	184,3±3,42
II даражали миопия	52,5±2,08	143,6±3,23	181,5±3,64
III даражали миопия	54,6±1,74	146,5±4,17	188,8±4,24

Изоҳ: \* -  $p < 0,05$  бўлганда натижалар ишонарли деб баҳоланди.

Орбитометрик текшириш натижаларга кўра III даражали миопия аниқланган болаларда кўз косасининг кўндаланг диаметри, биорбитал ва кўз косалари орасидаги кенглик ўлчамларининг кўз косаси бўйлама диаметри ва кўз косаси кўрсаткичининг ўртача қийматларига нисбатан юқори кўрсаткичларни (ишонарли тафовут) ташкил этди.

Миопиянинг ўрта оғирлик даражасида кўз косаси бўйлама диаметрининг кам миқдорда ортиши (статистик фарқ аҳамиятсиз), кўз косаси кўрсаткичи эса назорат гуруҳида юқори натижаларни ташкил этганлиги аниқланди (8-жадвалга қаранг).

#### 8-жадвал

### Кузатув гуруҳларида орбитометрия кўрсаткичларининг ўртача қиймати

Кузатув гуруҳлари	Кўз косасининг кўрсаткичлари, мм				
	Кўндаланг диаметри	Бўйлама диаметри	Кўз косаси кўрсаткичи	Биорбитал кенглиги	Кўз косалари аро кенглиги
Назорат	38,1±1,22	25,1±1,18	66,1±1,42	97,8±1,31	20,2±0,22
I даражали миопия	37,9±1,14	24,6±1,06	64,2±1,26	95,6±1,52	19,8±0,32
II даражали миопия	38,6±1,24	25,6±0,41	65,7±2,42	100,8±2,08	21,1±0,41
III даражали миопия	43,7±1,18	24,8±0,24	64,3±1,28	103,8±3,12	22,1±1,06

Изоҳ: \* -  $p < 0,05$  бўлганда натижалар ишонарли деб баҳоланди.

Миопиянинг оғирлик даражаси ҳамда краниометрия ва орбитометрия кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилганда калланинг айланаси, кўз косаларининг кенглиги, биорбитал кенглик ва кўз косалари

орасидаги олдинги кенглик ўлчамлари орасида ўртача корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланди.

Бошнинг морфометрик параметрлари ўртасидаги муносабатларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, бошнинг долохоцефал шакли миопиянинг енгил даражаси бўлган болаларда ва назорат гуруҳида (52% ва 40%) энг кўп учрайди. Ўртача ва юқори даражадаги миопия бўлган беморларда мезоцефалик бош шакли энг кўп учраши маълум бўлди (мос равишда 33% ва 60%).

Миопиянинг юқори даражаси (III) бўлган беморларда назорат гуруҳига нисбатан кранио- ва орбитометрия параметрларида энг ишонарли фарқ билан ўзгаришлар кузатилди.

Статистик жиҳатдан корреляцион боғлиқлик коэффициенти авторефрактометрия параметрлари ва бош айланаси, орбитанинг кенглиги, биорбитал кенглиги ва олдинги интерорбитал кенглиги каби краниометрик параметрлар ўртасида аниқланди. Кузатувдаги болалик даврларига мувофиқ миопияда кўз олмасининг ООЎ ортиб бориши, ООЎнинг ЭР га нисбатининг ортиб бориши, шунингдек бу кўрсаткичларнинг миопия оғирлигига боғлиқ ортиб бориши аниқланди (9-расмга қаранг).

#### 9-жадвал

#### Кўз олмаси морфометрик параметрларининг кузатув гуруҳлари бўйича солиштирма таҳлили

Кузатув гуруҳлари	Биринчи болалик даври		Иккинчи болалик даври	
	ООЎ, мм	РК, мм	ООЎ, мм	РК, мм
I даражали миопия	21,8±1,12	7,1±0,16	23,4±1,16*	7,3±0,22
II даражали миопия	23,2±2,08	7,2±0,13	24,6±2,12*	7,5±0,60*
III даражали миопия	24,6±1,04	7,4±0,23	26,5±2,14*	7,8±0,42*

*Изоҳ: ООЎ- олдинги-орқа ўлчами; ЭР – эгрилик радиуси; \* -  $p < 0,05$  бўлганда натижалар ишонарли деб баҳоланди.*

Балоғат ёшига келиб беморларда бош ва юзнинг анатомик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда миопиянинг энг муҳим биомаркерлари калланинг горизонтал айланаси, орбитал кенглиги, биорбитал кенглиги ва интерорбитал кенглигининг мезокраниал шакли билан биргаликда учраши кузатилди. Кўз косасини ҳосил қилган суякларнинг ёшга доир суякланиши маълумотларига ҳамда кўз олмаси, шунингдек кўз косасидан олинган хусусий маълумотларимиз асосида кўз косаси ва кўрув аъзосининг миопиядаги ёшга хос ўзгаришлари динамикасини акс эттирувчи алгоритм ишлаб чиқилди (5-расмга қаранг).



**5-расм. Болалик даврларида миопия таъсирида кўз косаси, кўрув аъзоси ва жисмоний ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги алгоритми**

Ишлаб чиқилган алгоритмга кўра, миопия аниқланган беморларда болаликнинг дастлабки даврларида кўз олмасининг ўзгаришлари кўз косаси шаклланишига таъсир қилса, болалар ёшининг катталаниши билан аксинча, деярли шаклланиши тугалланаётган кўз косаси кўз олмасининг шаклига, охир оқибат эса кўриш ўткирлигига таъсир этмай қолмайди.

## ХУЛОСАЛАР

«Кўз косаси тузилишининг ёшга оид ва индивидуал хусусиятлари, уларнинг болалар кўриш қобилиятига таъсири» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Биринчи ва иккинчи болалик даврларида бош ва кўз косасининг барча параметрлари ёш ва жинсга боғлиқ тафовудга эга бўлиб, биринчи болалик даврида асосий ўсиш бош ўлчамларида, айниқса орбитал ўлчамларининг

кўпроқ ўсиши аниқланди. Кўз косаси кириш қисми баландлиги ва кенглиги назорат кўрсаткичларидан юқорилиги, бу ҳолат кўрув аъзоси кенгайишининг орбита шаклланишига таъсири сифатида қаралади.

2. Иккинчи болалик даврида миопияда жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари бўй ўлчамларида (тик ва ўтирган ҳолатда) миопияда 3,6% га камайиши қайд қилинди. Қолган кўрсаткичларда аксинча миопияда мос равишда (тана вазни – 5,2% ( $\leq 0,05$ ), кўкрак қафаси айланаси тинч ҳолатда – 0,9%, нафас олганда – 6,5% ( $\leq 0,01$ ), нафас чиқарганда – 2,1%) юқорилиги аниқланди.

3. Краниоетрик параметрлар таҳлилида миопиянинг оғирлик даражаси ортишига қараб (миопия I, миопия II, назорат) горизонтал бош атрофи қийматлари деярли бир бирига яқин даражада ўзгариши, учинчи гуруҳ III даражали миопия аниқланган болаларда эса ушбу кўрсаткич 54,6 см гача ишонарли ортганлигини кўрсатди. Худди шундай анъана бошқа краниоетрик параметрлар, жумладан, бошнинг кўндаланг ва бўйлама диаметрларида ҳам кузатилди.

4. Болаларнинг жисмоний ўсиш кўрсаткичлари ва краниофациал соҳа морфометрик параметрлари миопиянинг даражаси ва шу патология билан касалланиш муддати давомийлиги билан тесқари пропорционал ҳолда ўзгаради. Аксинча болалик даври ортиб бориши билан миопиянинг прогрессияланиши ҳам кучайиши орбита суякланишининг деярли тугалланиши билан боғлиқ бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ИБРАГИМОВА ХУРШИДАБОНУ ЗАФАРОВНА**

**ВОЗРАСТНЫЕ И ИНДИВИДУАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ  
ГЛАЗНИЦЫ, ИХ ВЛИЯНИЕ НА ЗРЕНИЕ ДЕТЕЙ**

**14.00.02 – Морфология**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам**

**ТАШКЕНТ – 2024**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № B2021.1.PhD/Tib1619.**

Диссертация выполнена в Андижанском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Расулов Хамидулла Абдуллаевич**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Миршарапов Уткур Миршарапович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Шатманов Суйнали Токтоназарович** доктор  
медицинских наук, профессор  
(Кыргызская Республика)

**Ведущее учреждение:**

**Таджикский государственный медицинский университет имени Абу Али ибни Сино (Таджикистан)**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, ул. Фароби, 2. Ташкентская медицинская академия, 10 учебный корпус, 1-этаж. Тел./факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: [info@tma.uz](mailto:info@tma.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_). (Адрес: 100109, г.Ташкент, ул. Фароби, 2. Ташкентская медицинская академия, 2-учебный корпус «Б» крыло, 1 этаж, 7 кабинет. Тел / факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 г.

(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 г.)

**Г.И. Шайхова**

Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор медицинских наук,  
профессор

**Д.Ш. Алимухамедов**

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, доктор  
медицинских наук, доцент

**Р.Дж. Усманов**

Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Нарушения функции зрения являются одним из самых распространенных заболеваний в мире. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «...за последние годы миопия распространилась среди 1,6 миллиарда человек, а к 2050 году прогнозируется, что число больных достигнет 5 миллиардов...»<sup>3</sup>. Ряд исследований, проводимых при нарушениях функции тех или иных органов, позволяет выявить изменения топографических областей опорно-двигательного аппарата на фоне некоторых заболеваний. Одним из важных разделов антропометрии считается краниометрия, а определение анатомических изменений параметров черепа и его структур имеет большое значение, как для теоретической, так и для практической медицины. Краниометрические исследования сегодня активно используются в научных исследованиях таких направлений, как оториноларингология, неврология, стоматология и офтальмология и служат для обоснованного решения проблем в этих областях. Одной из таких проблем является поиск решения для изучения формирования глазного яблока при различной степени выраженности близорукости, которая является наиболее распространенной аномалией рефракции в растущем организме.

Во всем мире проводится ряд целевых исследований с целью определения закономерностей совместного развития органов и топографических областей, в которых они расположены, и какие из них являются первичными. В связи особую научную значимость приобретают исследования, направленные на изучение процессов формирования органов и систем растущего организма у детей, рожденных с близорукостью, в частности изучение факторов, препятствующих развитию и росту орбиты, выявить параллели в развитии зрительного органа и глазницы, разработку мероприятий, направленных на профилактику наблюдаемых расхождений в постнатальном онтогенезе, исследовать влияние близорукости на формирование глазницы, а в дальнейшем влияния формы орбиты на орган зрения и его функционирование.

В нашей стране реализуются определенные меры, направленные на развитие медицинской сферы, адаптацию медицинской системы к требованиям мировых стандартов, в том числе по выявлению причин нарушений рефракции, предотвращению патологических состояний, связанных с нею и обеспечению медицинской безопасности. В связи с этим, в соответствии с семью приоритетными направлениями Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, для повышения уровня медицинских услуг на новый уровень, определены такие задачи, как «...совершенствование системы регулирования обращения лекарственных средств и изделий медицинского назначения, а также поставки населению

---

<sup>3</sup> World Health Organization, 2014.

доступной и качественной продукции...»<sup>4</sup>. Исходя из этих задач целесообразно провести исследования по разработке новых подходов к сравнительной характеристике антропометрических показателей у детей первого и второго детства, у которых выявлена близорукость, повышению эффективности диагностики и лечения осложнений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года, №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» от 20 июня 2017 года, №ПП-4891 «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике» от 12 ноября 2020 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данном направлении.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** В последнее время с развитием медицинской науки и техники для выявления причин развития рефракционных изменений широко используются различные новые методики: молекулярно-генетические (Гурева А.Б. с соавт., 2015; Rózdżyńska-Świątkowska A. с соавт., 2020; Sun J. et al., 2012; Morgan IG et al., 2018), однако выявленные изменения не рассматривались с точки зрения возможности их применения в клинической практике. В настоящее время исследователи проводят значительные исследования по определению прогностических факторов для принятия эффективных мер профилактики развития миопии (Пыльцина Н.Ю., 2006), при этом особый интерес вызывает анатомическая изменчивость строения черепа у детей с близорукостью. В то же время в литературе имеется ряд исследований, по оценке закономерностей в строении частей черепа в норме и при близорукости (Мареев О.В. и др., 2014). Важно точно оценить изменения формы глазницы и размеров органа зрения в процессе роста ребенка по морфометрическим показателям. Большое значение имеет прогнозирование, в какие периоды детства будут более заметны краниометрические изменения, вызванные близорукостью. Механизмы контроля роста мозговой и лицевой частей черепа у человека представляют собой сложный процесс, в котором происходит взаимодействие генов, гормонов, эпигенетических факторов. Эти

---

<sup>4</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года.

